



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА “SMART МАҲАЛЛА” МОБИЛ АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЎРНИ

Анваров Баҳодир Бахтиёрovich

ИИВ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик

йўналиши тингловчиси, подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7941039>

ARTICLE INFO

Received: 08th May 2023

Accepted: 15th May 2023

Online: 16th May 2023

KEY WORDS

“Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли”, “Smart маҳалла”, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

ABSTRACT

Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида “smart маҳалла” мобил ахборот тизимини ташкил этиш борасида айрим мулоҳазалар, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ўрганилиб муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Бугунги кунда профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизимини йўлга қўйилди.

Юртимиз ҳуқуқшунос олимлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги илмий изланишлари натижасида ўрганилаётган йўналишдаги ривожланган мамлакатлар (шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Кўшнилар назорати (neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes toppers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури (Crime prevention through environment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)” каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин. Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўз хусусиятига кўра барча мамлакатлар амалиётида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм” дастурий комплекси ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кундаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони 3-бандига асосан Ички ишлар вазирлигига “Smart маҳалла” мобил ахборот тизимини яратиш вазифаси юклатилган[1].



“**Smart маҳалла**” мобил ахборот тизими вужудга келишидан асосий мақсад фуқароларга масофадан туриб электрон хизматларни кўрсатиш ҳисобланади. Юқорида қайд этилган Фармон талаблари ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан “**Smart маҳалла**” мобил ахборот тизимининг бизнес жараёнлари, алгоритмлари ҳамда дастурлари ишлаб чиқилиб, **Самарқанд** ва **Тошкент** вилоятларининг сектор штаблари, маҳалла идоралари, ҳуқуқ-тартибот масканлари ва аҳоли демографияси ҳақидаги маълумотлар базалари шакллантирилди [2].

Шу билан бирга, маълумотлар актуаллигини таъминлаш мақсадида “**Smart маҳалла**” мобил ахборот тизими Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари, шунингдек Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

Шу ўринда ўринли савол туғулади “**Smart маҳалла**” мобил ахборот тизими бизга нима беради. Бу борада, З.И. Ибодуллаеванинг фикрича, “**Smart маҳалла**” мобил ахборот тизими давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ўртасида кенг қамровли ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш зарур. Кейинчалик эса, ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш лозим [3] деб таъкидласа С.З. Шамсиддинов назнида, “**Smart маҳалла**” мобил ахборот тизими ҳудуддаги маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларидан иборат [4].

Назаримизда, фуқаро (фойдаланувчи) ўзи истиқомат қилувчи маҳалла кесимида “**Smart маҳалла**” мобил ахборот тизимида рўйхатдан ўтганидан сўнг, унга тизимнинг қуйидаги функцияларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Булар:

биринчидан, “Менинг маҳаллам” менюсида маҳалла раиси, маҳалла демографик маълумотлари ва бириктирилган сектор раҳбари, шунингдек маҳалла идораси ва сектор штабининг геоjoyлашуви ҳақидаги маълумотларни олиш, сектор фаолиятига баҳо бериш;

иккинчидан, “Менинг инспекторим” менюсида маҳалла профилактика инспектори ҳақидаги асосий маълумотларни ва ҳуқуқ-тартибот масканининг геоjoyлашуви тўғрисидаги маълумотларни олиш, шунингдек профилактика инспекторига баҳо бериш;

учинчидан, “Худуд гео-харитаси” менюсида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ҳақидаги маълумотларни худудлар кесимида, давр оралиғида кузатиш;

тўртинчидан, “Давлат органларига мурожаат” менюсидаги ҳаволалар орқали давлат органларининг сайтларини юклаб, зарурий ахборотлар билан танишиш ва ушбу органларга ўрнатилган тартибда мурожаат йўллаш;

бешинчидан, “Қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар” менюсида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қидирув эълон қилинган ва бедарак йўқолган деб топилган шахслар ҳақидаги сўнгги маълумотларни кўриш;



олтинчидан, “Секторга мурожаат” менюси орқали сектор томонидан кўриб чиқишга ваколат берилган масалалар юзасидан мурожаат юбориш ҳамда кўриб чиқиш натижасини кузатиб бориш;

етинчидан, “Болани масофадан назорат қилиш” менюсида ота-оналарга таълим муассасаларининг турникет, GPS-трекер ва кузатув камералари тизимларига уланган ҳолда фарзандларини назорат қилиб бориш;

саккизинчидан, “Менинг ҳужжатларим” менюсида фойдаланувчига тегишли шахсни тасдиқловчи (машинада ўқитилувчи майдон ҳамда NFC қурилмага эга ҳужжатлар) ва бошқа ҳужжатларни (ID-карта, манзил варақаси, паспорт нусхаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, суғурта полиси ва бошқалар) Ички ишлар вазирлигининг тегишли маълумотлар базаларига мурожаат қилган ҳолда олиш, уларни дастурнинг сервердаги хотирасида сақлаш, турли қурилмалар орқали рўйхатдан ўтиб юклаш ҳамда давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида реал вақт давомида тақдим этиш;

тўқизинчидан, “SOS” менюси “101”, “102”, “103”, “104”, “1050” ва “1173” қисқа рақамларига шошилинч хабар йўллаш, шунингдек “102” тизими орқали мурожаат ижроси доирасида жалб этилган куч-воситаларни жойлашуви ва ҳодиса жойига қараб ҳаракатланишини реал вақт давомида кузатиб бориш.

Ушбу тизим ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ўрни қуйидагиларда ўз аксини топади:

Биринчидан, ҳудуди катта профилактика инспекторлари учун маҳаллани жинойтчиликдан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ҳаракатлар алгаритимини соддалаштиради;

Иккинчидан, “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизимларини улардан ишлаш ва маълумот алмашилишига кўмаклашувчи тизим сифатида намоён бўлади;

Учинчидан, ортиқча қоғозбозчиликни олдини олади ҳамда маҳаллада ушбу тизим орқали мавжуд хавф-хатар, қидирувдаги шахслар ҳақида маълумот олиш имкониятини яратади.

References:

1. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
2. Самарқанд вилоятида «Smart mahalla» ахборот дастури ишга тушди (iiv.uz)
3. Ibodullayevna I.Z. Profilaktika inspektorining alohida toifalangan hududlarda xizmat olib borishining o'ziga xos xususiyatlari //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 4. – С. 251-254.
4. Shamsiddinov S.Z. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш ва профилактика инспекторининг ахборот-таҳлил фаолияти //образование наука и Инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 21. – №. 1. – С. 13-19.